

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
АТБ “Hamkorbank”нинг 2018 йил 23 июндаги  
Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан

Банк Кенгаши Раиси

И.И. Ибрагимов

Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank”  
Акциядорлик-Тижорат Банкининг Кузатув Кенгаши  
тўғрисидаги Низомига киритиладиган ўзгаришлар

№	Амалдаги таҳрир	Янги таҳрир
1.	<b>9 банд 2 хатбоши:</b> банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш	<b>9 банд 2 хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилиши лозим:</b> банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, Директорлар Кенгаши томонидан Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш учун кўрилган чора тадбирлар тўғрисидаги хисоботини мунтазам равишда эшлиш орқали.
2.	<b>14 банд</b> Банк Кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши (йиллик) томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Банк Кенгашининг миқдорий таркиби 9 (тўқиз) кишидан иборат. Банк бошқарув аъзолари ва Банк Бошқарув Раиси Банк Кенгашига аъзо бўлиб сайланана олмайдилар. Банқда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банк Кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас	<b>14 банд қўйидаги таҳрирда баён этилиши лозим:</b> Кенгаш камидан 5 (беш) ва энг кўп 9 (тўқиз) кишидан иборат бўлиши зарур, аъзоларнинг умумий сони ҳар доим тоқ сон бўлиши керак. Умумий йиғилиш ҳар сайлов даврига Банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонини белгилайди. Банк Кенгаши аъзолари кумулятив овоз бериси усулида сайланадилар. Банк бошқарув аъзолари, Банк Директорлар Кенгаши раиси ва Банкнинг бош бўлинмаси билан меҳнат шартномаси (келишуви) бўйича ишлаётган шахслар Банк Кенгаши аъзолари бўлиб сайланана олмайдилар
3.	<b>15 банд</b> Банкнинг чэт эллик инвесторлари, яъни Халқаро Молиявий Корпорация (кейинги ўринларда – ХМК) ва Nederlandse Financierings-Maatschappij Voor Ontwikkelingslanden N.V. (кейинги ўринларда – ФМО) камидан 1 (бир) фоиз овоз берувчи акцияларга эгалик қилишлари пайтида ҳам, камидан 1 (бир) кузатувчи ва 1 (бир) Банк Кенгаши аъзоси номзодини қўйиш хукуқига эга	<b>15 банд қўйидаги таҳрирда баён этилиши лозим:</b> Банкнинг ҳар бир акциядори, жумладан, ХМК, ФМО ва бошқа ҳар қандай чет эллик инвестор-акциядор камидан 1 (бир) фоиз акцияларга эгалик қилиши мобайнида ҳар бир бундай акциядор 1 (бир) кузатувчи ва 1 (бир) Банк Кенгаши аъзосини тайинлаш хукуқига эга.
4.	<b>16 банд</b> Амалдаги қонунчиликка биноан ва Акциядорлар умумий йиғилиши қарорини инобатга олган ҳолда ХМК ва ФМО истаган вақтда улар томонидан номзодликка қўйилган номзоднинг четлатилиши тўғрисида ариза тақдим этишлари мумкин, шу билан бирга четлатилган номзоднинг ўрнига бошқа шахсни номзод қилиб тайинлаш хукукларига эга. Қўйилган номзоднинг истеъфо қилиши, нафақага ёки дам олиш таътилига чиқиши ҳолатида ХМК ва ФМО (бундай номзодни ким тайинлаганлигига қараб) бошқа шахсни ўз номзоди сифатида тайинлаш хукуқига эга.	<b>16 банд қўйидаги таҳрирда баён этилиши лозим:</b> Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан камидан 1% акцияларга эгалик қилувчи акциядор, жумладан, ХМК, ФМО ва бошқа ҳар қандай чет эллик инвестор-акциядор истаган вақтда улар томонидан тайинланган Кузатув Кенгаши аъзосининг олинишини талаб қилишлари мумкин ва олдин олинган шахснинг ўрнига бошқа шахсни тайинлаш хукукларига эга. Тайинланган Кузатув кенгаши аъзосининг истеъфо қилиши, нафақага ёки дам олиш таътилига чиқиши ҳолатида мазкур вакилни тайинлаган, камидан 1% акцияларга эгалик қилувчи акциядор, жумладан, ХМК, ФМО ва бошқа ҳар қандай чет эллик инвестор-акциядор, кетган Кузатув Кенгаши аъзоси ўрнига вакили сифатида янги аъзони тайинлаш хукуқига эга.
5.	<b>17 банд</b> Банк, Банк Кенгаши аъзоларининг (ҳар	<b>17 банд қўйидаги таҳрирда баён этилиши лозим:</b>

	<p>бирининг) Банк Кенгаши аъзоси сифатида фаолият кўрсатиш жараёнида юзага келган ҳар қандай сарф-харажатларини ва мажбуриятларини амалдаги қонунчиликка биноан руҳсат этилган максимал даражада қоплади. Банк ходими бўлмаган Банк Кенгаши аъзосининг баъманилик билан амалга оширган, Банк Кенгаши йигилишида ёки Банк Кенгаши қўмитаси йигилишида ёхуд Акциядорлар умумий йигилишида иштирок этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари (жумладан, ХМТ ва ФМО томонидан Банк Кенгашига номзоди қўйилган аъзонинг йўл ҳаражатлари ва йигилишда иштирок этиш ҳаражатлари ) Банк томонидан қопланиши зарур</p>	<p>Акциядорлар умумий йигилиши қарорига асосланган ҳолда Банк, Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзосига Банк Кенгаши аъзоси сифатида фаолият кўрсатиш жараёнида юзага келган ёки унинг Кенгаши аъзоси сифатидаги фаолияти билан ёхуд лавозими билан бирон бир тарзда боғлиқ бўлган ҳар қандай сарф-харажатларини ёки мажбуриятларини амалдаги қонунчиликка биноан руҳсат этилган максимал даражада қоплаши зарур. Ҳар бир Кенгаши аъзоси (жумладан, ХМК, ФМО ва бошқа ҳар қандай чет эллик инвестор-акциядор томонидан тайинланган Кенгаши аъзолари) томонидан Банк Кенгаши қўмитаси йигилишида ёхуд Акциядорлар умумий йигилишида иштирок этишда асосланган ҳолда амалга оширилган сарф-харажатлар, (жумладан, йўл ҳаражатлари ва йигилишда иштирок этиш ҳаражатлари ) Банк томонидан қонунчиликда кўзда тутилган таомилларга мувофиқ тарзда қопланиши зарур.</p>
--	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------